

ЎЗБЕКИСТОНДА КАМБАҒАЛЛИКНИ КАМАЙТИРИШ: ИСЛОҲОТЛАР ВА НАТИЖАЛАР

Юлдашев Обиддин Тошмурзаевич

Тошкент молия институтини доценти

Жавлиев Нуриддин Бектемир ўғли

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ассистенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2020 йил 24 январда илк маротаба Ўзбекистонда “камбағалликни қисқартириш” категориясига нисбатан ёндашувнинг баён қилиниши мамлакатимизда мазкур категориянинг долзарблик касб этишини ифодалаб бермоқда. Жумладан, мамлакатимизда 4-5 млн. киши атрофида камбағаллар мавжуд эканлиги таъкидланиб, камбағалликни қисқартиришнинг ҳаётий муҳим вазифа эканлиги белгилаб берилди.

Охирги 20 йилликда инсонларнинг яшаш стандартлари сезиларли даражада ортди. Қашшоқ мамлакатларда ЯИМнинг киши бошига тўғри келиши 2 баробарга ортди. 1995 йилдан буён болалар ўлими икки ҳисса камайиб, мактабга қатновчилар сони 56 фоиздан 80 фоизга ўзгарди. Шундай бўлсада, 700 млн. одам паст даромад билан қолмоқда. Ҳар йили 5 ёшга тўлмаган 5 млн. болалар вафот этмоқда ва уларнинг аксариятига сифатсиз тиббий хизматлар кўрсатилган. Қолаверса, дунё болаларининг ярми мактабларни ўқиш ва санашни билмасдан битириб кетмоқда [8].

Умуман олганда, иқтисодиётда маълумки инсонлар даромадлари уч босқични босиб ўтади. Булар – истеъмол, жамғариш ва инвестиция даврини ўзида акс эттиради. Шу нуқтаи назардан, инсонлар даромади инқироз даврида муҳим категория сифатида гавдаланади. Бу эса, камбағаллик омилини ўрганишга бўлган заруратни келтириб чиқаради.

Камбағаллик категориясига нисбатан Ўзбекистонда давлатимиз раҳбари томонидан 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Худудларда, айниқса, қишлоқларда аҳолининг аксарият қисми етарли даромад манбаига эга эмаслиги сир эмас. Ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам кам таъминланган аҳоли қатламлари мавжуд. Турли ҳисоб-китобларга кўра, улар тахминан 12-15 фоизни ташкил этади. Бу ўринда гап кичкина рақамлар эмас, балки аҳолимизнинг 4-5 миллионлик вакиллари ҳақида бормоқда.

Баъзи одамлар ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам пулини тўлаш ёки уларнинг миқдорини ошириш орқали ушбу муаммони ҳал этиш мумкин, деб ўйлайди. Бу – бир томонлама ёндашув бўлиб, муаммони тўла ечиш имконини бермайди.

Камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир” деб таъкидлаб ўтдилар[1].

Мамлакатимиздаги ислохотларнинг пировард мақсади камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишдир. Шу боис, Президентимиз ташаббуси билан халқимиз турмушини яхшилаш йўлида жуда катта вазифаларни амалга оширишга киришилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида” ПФ-29-сон ва 2021 йил 11 августдаги “Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда камбағаллик билан курашиш кўламини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6277-сон фармонлари ҳамда 2021 йил 3 декабрдаги “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-31-сон қарори бугунги кун талабидан келиб чиқиб қабул қилинган яна бир муҳим ҳуқуқий асосдир. Кейинги йилларда бу борада давлат сиёсатини марказдан маҳалла даражасигача юритадиган вертикал тизим жорий қилингани — қувонарли янгилик.

Ёшлар масалалари бўйича ҳар бир туманда алоҳида ҳоким ўринбосари, хотин-қизлар масалаларига ҳар бир маҳаллада алоҳида раис ўринбосари масъул этиб белгиланиши ҳам эътирофга арзийдиган воқеилик. Бу эса, ўз навбатида, мазкур йўналиш доирасида маҳаллалар ва оилаларда муаммоларни аниқлаш, уларнинг ечими бўйича таклифлар бериш ва керакли чора-тадбирларни амалга оширилишини тақозо этади.

Давлатимиз сиёсатида инсон манфаатлари, ижтимоий адолат тамойиллари устувор. Шу боисдан ҳам аҳолининг муайян қатлами ўртасида камбағаллик борлиги тан олинди, уни қисқартириш бўйича алоҳида тизим жорий қилинди. Бунга қўшимча, жорий йил бошида барча туманлар шароитига кўра 5 та тоифага ажратилиб, табақалашган енгилликлар берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев раислигида 2023 йил 15 май куни камбағалликни қисқартириш ва бандликни таъминлаш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор таъкидланганидек, Охирги беш йилда юртимизда тадбиркорлар сони 285 мингдан 590 мингга кўпайди. Бу – битта туманда 2,5 мингдан ортиқ ёки бир маҳаллада 50 нафардан тадбиркорлар синфи шаклланди, дегани. Агар давлат бу тадбиркорлар билан манфаатли ҳамкорлик қилиб, уларни қўллаб-қувватласа, жойларда бандликни ҳал қилиш имконияти ортади.

Бундан ташқари, 2023 йил 1 июндан бошлаб “20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис” дастури амалиётга жорий этилмоқда. Унда иштирок этиш ихтиёрий бўлади. Дастурга 2023-2024 йилда жами 1 миллиард доллар ажратилади.

Бу маблағлар ҳисобидан тадбиркорга камбағал оилалар аъзосини касбга ўқитиб, ишли қилишига қараб, амалдагидан паст фоизларда ва узоқроқ муддатга кредит берилади. Тадбиркорнинг “амалий мономарказ” ташкил қилиш ва жиҳозлаш ҳамда касбга ўқитиш харажатлари тўлиқ қоплаб берилмоқда.

Қайд этиш лозимки, охириги йилларда аҳолининг турли қатламларида камбағалликни камайтириш ва аҳолини бандлигини оширишга қаратилган кўплаб платформалар амалиётга жорий этилди. Хусусан, ПҚ-5020-сонли қарорга асосан “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Темир дафтар” га киритилганларга ижтимоий кўмак берилмоқда. Шу муносабат билан, Эҳтиёжманд ва ишсиз хотин-қизларнинг кўпчилиги ўрта маълумотли, замонавий билим ва ҳунарларни эгалламаганлигини ҳисобга олган ҳолда уларни меҳнат бозорида талаб юқори касб-ҳунарларга тайёрлаш тизимини такомиллаштирилди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан камбағалликни қисқартиришнинг бош омили сифатида эҳтиёжманд оилалар учун доимий даромад топиш манбаларини яратиш ва кенгайтиришга кенг эътибор берилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.*
2. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида” ПФ-29-сонли фармони.*
3. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 августдаги “Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда камбағаллик билан курашиш кўламини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6277-сонли фармони.*
4. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-31-сон қарори.*
5. *Хасанов Р., Усмонов Б. Ўзбекистонда камбағаллик ва уни қисқартириш йўллари. 06.03.2020 й. <https://review.uz/oz/post/ozbekistonda-kambagallik-va-uni-qisqartirish-yollari>*
6. *Мустафақулов Ш. Камбағаллик айб эмас, бироқ Халқ сўзи, 25.03.2020 й. <http://xs.uz/uzkr/post/kambagallik-ajb-emas-biroq>*
7. *О.Х.Махмудов. Оилаларда камбағалликни қисқартириш оиллари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2021 йил*
8. *Research to help the world's poor. <https://www.nobelprize.org/uploads/2019/10/popular-economicsciencesprize2019-2.pdf>*